

**ТИББИЁТ ОЛИЙГОХИ ТАЛАБАЛАРИДА КАСБИЙ МАДАНИЯТНИ
ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛЛАРИ**

Бозоров Зайниддин Аширович

Бухоро давлат тиббиёт институти Ўзбек тили ва адабиёти, рус тили, педагогика,

психология кафедраси доценти, PhD

Tel.raqami: 93.656-28-86

Elektron manzil: zayniddin30061968@gmail.com

Аннотация: Мақолада шахснинг психологик тузилиши, шахслараро муносабат, фаолият ва унинг таркибий қисмлари, ўз-ўзини англаш ва бу асосда ўз-ўзини ривожлантириш орқали бўлажак тиббиёт ходимларида касбий маданиятни ривожлантиришнинг психологик жиҳатларининг мазмун-моҳияти очиб берилган.

Аннотация: В статье освещаются психологические аспекты развития гражданской культуры молодежи, как важный вопрос молодежи педагогики сегодняшнего дня. Особенno, изучены познавательные процессы, эмоциональные-волевые, индивидуально-психологические особенности личности студенческой молодожи.

Талабалар фаолиятини, эҳтиёжларини, қизиқишлигини тўғри йўналтириш, фуқаролик онгини шакллантириш талабаларда касбий маданиятни ривожлантиришга эришиш мумкин. Қизиқиш ва майллар ёшларнинг эмоционал ҳаёти билан маҳкам боғланган ва улар ўзаро боғликларда шахс фаоллигини таъминлаб, мақсад сари интилишининг манбаи бўлиб хизмат қиласди. Эҳтиёж асосида вужудга келадиган қизиқишилар моддий ва маънавий бўлади. Инсон фаолиятида пайдо бўлган қизиқишини қондириш янги қизиқишиларни келтириб чиқариб, фаолиятни янги ҳаракатларга ундаиди. Бу талабаларда касбий маданиятни ривожлантириш жараёнига ёндашишнинг ўзига хос психологик хусусиятлари деб айтиш мумкин.

Уларнинг яна бир психологик хусусияти шундаки, талабаларда ўз-ўзини тартибга солиш ва ирова механизмларининг ўз-ўзини бошқара олиш тузилмасидан иборатлигидир.

Фуқаролик жамияти шахсида миллий мустақиллик тафаккури ғояларидан келиб чиқиб фуқаролик маданиятини ривожлантиришда психологик омиллар муҳим педагогик аҳамият касб этади. Зеро, психологик омиллар, яъни шахснинг билиш жараёнлари (сезги, идрок, тафакур, хотира, хаёл, нутқ, диққат), шахснинг эмоционал-иродавий ҳолатлари (хис-туйғу, идрок, қизиқиш, майл), шахснинг индивидуал психологик хусусиятлари (мақсад, фаолият, темперамент, характер, қобилият) бўлажак тиббиет ходимларини шахс сифатида шаклланиб, даврнинг юксак маънавий ва ахлоқий салоҳиятли, юқори малакали мутахассис бўлишига катта таъсир кўрсатади.

Фуқаролик жамиятида ёшлар шахсининг шаклланиши, жумладан, ёшларда касбий маданиятни шакллантиришга янгича методологик асосда ёндашиб фуқаролик жамиятиянинг ўзига хос хусусиятларини, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маънавий омиллар, шарт-шароитларни ўзаро яхлитлика талқин қилиш лозимлигини ижтимоий-педагогик зарурат сифатида асосланади. Зеро, буюк рус педагоги, педагогик антропологиянинг

тарғиботчиси К.Д.Ушинскийнинг “Инсон тарбия предмети” номли антропологик асарида қайд этилганидек, “Агар педагогика болани ҳар томонлама тарбияламоқчи бўлса, у аввало, болани ҳар томонлама ўрганмоғи лозим” (К.Д.Ушинский, 128-б.).

Болалар ва ёшлар психологиясини тадқиқ қилган Б.Т.Ананьев, Платонов, П.В.Кузьмина, Л.И.Божович, М.Г. Давлетшин Г.Б.Шодумаров, Э.Ф.Фозиев, В.Л. Токарева ва бошқалар олий таълим муассасаларида таълим-тарбия ишларини ташкил этиш мураккаб жараён эканлигини таъкидлайдилар. Бу, аввало, фанларни ўқитишга ўтиш билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, бу даврда шахсий сифатлар, хусусиятларнинг жадал ўсиши билан боғлиқ бўлади. “Мазкур ёш давридаги ижтимоий-психологик ўсишнинг хусусиятларидан бири, - деб ёзади Э.Фозиев, - ўқиш фаолиятининг онгли мотивларининг кучайишидир. Талабаларда ахлоқий жараёнларнинг ўсиши суст амалга ошади, лекин хулқнинг энг муҳим шартлари мустақиллик, ташаббускорлик, топқирлик, фаросатлилик ва ҳоказолар такомиллашиб боради. Шунингдек, уларда ижтимоий ҳолатларга, воқеликка, ахлоқий қоидаларга қизиқиши, уларни амалга оширишга интилиш тобора кучаяди”(Э.Фозиев. 30-31-бетлар).

Талабалалик даврининг ўзига хос психологик жиҳатларидан бири шахслараро муносабатдир. Бу даврда талаба янги инсонлар (курсдошлар, ўқитувчилар, раҳбарлар) га дуч келади. Бунда шахслараро муносабатлар шахсий, предметли, информацион ва эмоционал ҳолатдаги кўринишларда бўлади. Кўриб ўтганимиздек, шахслараро муносабатлар кўринишларнинг кенг кўламини қамраб олади. Булар талабаларнинг бирбирини тушуниши, қабул қилиши, ёқтириши (ўзига жалб қилиш, симпатия), юриштуришда ўз “ўрнига” эга бўлишида ифодаланади. Шу асосда гурухда, жамоада шахслараро муносабатлар ва гуруҳ аъзоларининг келишувчанлиги (физиологик ва психологик) “психологик муҳит” деб аталмиш энг муҳим ижтимоий-сиёсий ҳолатни вужудга келтиради.

Психологик муҳит – бу кўпроқ келишувчанликни эмас, бирга ўқий олиш ва ишлай олишни англатади. Бирга ишлай олишда шахслараро муносабатдан қониқиши фаолияти (ҳамкорлик фаолияти натижаси) орқали ҳамкорликдаги фаолият эса муроқотдан қониқиши орқали амалга ошади. Шу нуқтаи назардан талабаларда фуқаролик маданиятини шакллантириш жараёнини оптималлаштиришда икки ҳолатни эътиборга олмоқ даркор. Биринчиси, фуқаролик маданиятининг ривожланиш жараёнини индивидуаллаштириш, яъни талабанинг индивидуал-психологик хусусиятини ҳисобга олиш, иккинчиси фуқаролик маданиятини ривожлантириш жараёнини жадаллаштириш мақсадида ўқув гуруҳидаги талабалар таркибини аниқ ҳолатга келтириш. Бунда гуруҳдаги талабалар таркиби талабаларнинг индивидуал – типик хусусиятлари ва гурухнинг тарбияланганлик даражасига асосланиши лозим. Бунинг учун гуруҳ ўқув-тарбия фаолияти натижаларига асосланиб гуруҳни шакллантириш учун истиқболли режасини тузиш ва шу асосда гуруҳ аъзоларига фуқаролик маданиятининг кўрсаткичларини таркиб топтиришга қаратилган гурухлантиришни амалга оширмоқ даркор. Ўқув гуруҳларини ёки жамоаларини яхлитлаштиришда тақлид, ўзгалар таъсирига берилиш, гурухий келишмовчилик, гуруҳ аъзолари ўртасидаги субординацион муносабатлар, аъзоларнинг психологик-физиологик мутаносиблиги, интизоми, юриш-туришнинг гурухий ва ижтимоий хулқ меъёрлари, гуруҳда баҳоловчи-йўналтирувчи каби ҳолатларни ўрганиб чиқиши талаб этилади. Чунончи, таълим-тарбия ва шахслараро муносабат, ижтимоий фаолият жараённида буни инобаттага олмаслик салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Олий ўқув юртида талабалик йилларида ёшларнинг биргаликда ўқиши, турли ижтимоий тадбирларда иштирок этиши, ётоқхонадаги биргаликда яшаш нафақат шахслараро муносабатнинг мустаҳкамлигини аниқлашга, балки шахсий фазилатларнинг шаклланиши, унинг ўзаро алоқада мустаҳкамланиши омили бўлиб ҳам хизмат қиласди. Зеро, С.Л.Рубинштейн таъкидлаганидек, “Узок мулоқотда бўлганда одамларнинг ўзаро таъсири, уларнинг характерида кўринарли из қолдиради, баъзан, ҳатто характерологик хусусиятларнинг алмашиши ёки ўзаро ўхшашик юзага келади” (Рубинштейн С.Д. Основа общей психологии. –М.: 1946, с.669).

Маълумки, талаба фуқаролик маданиятининг ривожланиши, талабанинг қимматли ва аҳамиятли сифатларни эгаллаш, қизиқишларини ўстириш, шахс хусусиятларини идрок қилиш билан изоҳланади. Бу ҳол горизонтал (талаба-талаба) ва вертикаль (педагог-талаба) тизимида ўзаро таъсири орқали амалга ошади.

Дарҳақиқат ижтимоий шахслараро муносабат инсон ҳолатига жисмоний бандликдан кўпроқ таъсири қиласди. Индивиднинг ижтимоий изоляциясини келтириб чиқарадиган ҳолатда, тажрибаларда, инсоннинг гурух томонидан рад этилганлиги алоҳида аҳамиятга эга эканлиги аниқланган. Шунингг учун, ўқув жараёнида оператив социометрик текшириш олиб борилиши керак. У ҳар бир гурухда, шахслараро муносабатлар тизимида ҳар кимнинг тутган ўрнини аниқлашда ёрдам беради. Гурухда аъзоларнинг “қабул қилинганлиги”, “ажралиб қолиши”, “рад этилиши” каби ҳолатлар, сигналлар бўлиши мумкин. Бу сигналлар аниқ психологик-педагогик аралашувни талаб этади.

Зеро, алоқадорлик шахслараро муносабатлар, умумий фаолият муваффақиятли мулоқот характерини мувоғиқлаштирувчи асосий фактлардан бири ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. К.Д.Ушинский, Инсон тарбия предмети. 128-б.
2. Фозиев Э. Олий мактаб психологияси. –Т.: “Ўқитувчи” 1997, 30-31-б.
3. Бозоров, Зайниддин Аширович. "Фуқаролик маданиятини ривожлантириш–талабаларнинг шахс сифатида шаклланишининг муҳим омили." " Canada" International Conference On Developments In Education, Sciencesand Humanities. Vol. 9. No. 1. 2023.
4. Ashurovich, Bozorov Zayniddin. "Great Oriental Intellectuals about Civil Culture." Web of Scholars: Multidimensional Research Journal 2.3 (2023): 21-24.
5. Бозоров, Зайниддин Аширович. "Тиббиёт олийгоҳи талабаларида фуқаролик маданиятини ривожлантиришнинг психологик хусусиятлари." PSIXOLOGIYA Учредители: Бухарский государственный университет S2 (2020): 38-43.
6. Bozorov, Z. A. "Essence, structure and functions of civil culture." International engineering journal for research & development. Published in 6: 2349-0721.
7. Bozorov, Zayniddin Ashirovich. "The system of formation of civic culture among students in higher educational institutions." Theoretical & Applied Science 1 (2020): 455-458.
8. Bozorov, Z. A., & Samandarov, G. Y. Ideological movement of legends and traditions in the novel “Shaytanat” by Tohir Malik. ISJ Theoretical & Applied Science, 04 (84), 1014-1016. Soi: <http://s-o-i.org/1.1/TAS-04-84-187> Doi: <https://dx.doi.org/10.15863/TAS Scopus ASCC: 1208>. (2020).
9. Bozorova, G. (2023). Лингвопрагматическая характеристика плеонастических единиц используемых в политической речи. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ

- (buxdu.Uz), 34(34). извлечено от
https://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/9752
10. Zayniddinovna B. G. Ortqchalik tamoyilining jahon tilshunosligida organilishi. – 2021.
 11. Bozorova, G. (2021, February). Tavtology and pleonasm: synchronic and diaxronic views. In Конференции.
 12. Yarashovna, S. G., Istamovna, A. N., & Zayniddinovna, B. G. (2023). Methods of Using Metaphorical, Pleonastic and Paremic Units in Uzbek Linguistics. resmilitaris, 13(2), 5560-5572.
 13. Samandarova, G. Y. (2021). Fundamentals of folk proverbs formed on the basis of the lexical-spiritual group of insects. current research journal of philological sciences, 2(05), 39-42.
 14. Bozorov Z.A International scientific and practical conference “Modern psychology and pedagogy: problems and solutions” “Imperial College London” 2021-2022. 165-169 6.
 15. Бозоров З.А. The system of formation of civic culture among students in higher educational institutions. ISJ Theoretical & Applied Science, 01 (81), 455-458. Soi: <http://s-o-i.org/1.1/TAS-01-81-81> Doi: <https://dx.doi.org/10.15863/TAS> Scopus ASCC: 3304. (2020).
 16. Kadyrovna A.M., Zayniddinovna B.G. Description of Events Which is Near to Pleonasm //Spanish Journal of Innovation and Integrity. – 2022. – Т. 5. – С. 281-285.
 17. Shavketovna Y.A., Yarashovna S.G. Specific Characteristics of Paremas Formed on the Basis of "Insect" Lmg in a Simple Sentences //Best Journal of Innovation in Science, Research and Development. – 2023. – Т. 2. – №. 6. – С. 115-119.
 18. Самандарова Г. Я. Синонимия И Антонимия В Паремах, Образованных На Основе Лексико-Семантической Группы Насекомых // "Usa" International Scientific And Practical Conference Topical Issues Of Science. – 2023. – Т. 8. – №. 1.
 19. Samandarova G. Y. Basis of the lexical sentence group "insect" in the form of a compound sentence //international scientific conference" innovative trends in science, practice and education". – 2023. – Т. 2. – №. 4. – С. 59-67.